

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАКИРОВ РУСЛАН ГИЛЬМУЛЛАЕВИЧ

ҲАВО КЕМАСИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ МАСОФАДАН НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ

05.03.01-“Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари” (техника фанлари)

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент- 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Закиров Руслан Гильмуллаевич

Ҳаво кемаси параметрларини масофадан назорат қилиш тизимини яратиш.....3

Закиров Руслан Гильмуллаевич

Создание системы дистанционного контроля параметров воздушного судна.....21

Ruslan Zakirov

Development of aircraft parameters remote control system.....39

Эълон қилинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАКИРОВ РУСЛАН ГИЛЬМУЛЛАЕВИЧ

**ҲАВО КЕМАСИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ МАСОФАДАН НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯРАТИШ**

05.03.01-“Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари” (техника фанлари)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент- 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/T200 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик дииссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдукаюмов Абдурашид
техника фанлари доктори , профессор

Расмий оппонентлар:

Сиддиков Илхомжон Хакимович
техника фанлари доктори, профессор

Назаров Хайриддин Нуритдинович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» ____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил : 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат техника университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси)

Н.Р. Юсупбеков
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д, профессор, академик

У.Ф. Мамиров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Х.З.Игамбердиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳозирги давр авиация техникасидан фойдаланиш ривожининг истиқболли йўналишларидан бири ҳаво кемаси (ҲК) параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизимларини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бу парвозлар узлуксизлигини таъминлаш ва транзит техник хизмат кўрсатиш вақтини қисқартириш бўйича ортиб бораётган талаблар туфайли вужудга келган. Жумладан, сўнги вақтларда даврий техник хизмат кўрсатишдан кўра ҳар бир рейсдан сўнг маълумотларни таҳлил қилишни талаб қиладиган ҳаво кемаси ҳолатини узлуксиз мониторинг қилиш усулига ўтишга интилиш кузатилмоқда. Шу сабабли, маълумотларни бортдаги ёзиб олувчи қурилмалардан ердаги таҳлилий марказларга масофадан туриб узатиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Жаҳонда масофадан туриб ҳаво кемаси параметрларини назорат ва диагностика қилиш тизимларини қуриш восита ва усулларини яратиш, шунингдек, уларнинг фаолият алгоритмлари, ҳимояланганлиги ҳамда мазкур тизимларда маълумот узатишларнинг халақитбардошлигини ошириш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу сабабли тадқиқот ишлари ўтказиш ва аэропорт ҳудудида техник жиҳатдан қўллаш имконияти мавжуд ва иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган ҲК параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизимини яратиш бўйича таклиф ишлаб чиқиш муҳим масала ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида авиация транспорти муҳим рол ўйнайдиган транспорт инфратузилмасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йиллар учун истиқболли стратегиясида қуйидаги мақсадлар белгилаб берилган «...транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва хорижий инвесторларни жалб қилиш учун...»¹. Ўз навбатида, Ўзбекистон аэропортларида рейслар қатновининг узлуксизлиги ва ўз вақтида амалга оширилиши авиация логистикаси тизимининг асосий белгиларидан ҳисобланади. Шу жиҳатдан, ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилишнинг самарали тизимини яратиш, бундай тизимларда ахборот алмашинувининг халақитбардош усулларини ишлаб чиқиш ўта муҳим масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сон «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорларихамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур диссертация мавзуси бўйича, жумладан, SCOPUS маълумотлари базасида ўтказилган илмий-техник таҳлил асосида, Smith M., Sulcs P., Walthall R., Mosher M., Kasprzyński G. муаллифлигидаги «Design and implementation of aircraft system health management (ASHM) utilizing existing data feeds» мавзусида олиб борилган тадқиқот ишлари натижаларини келтириш мумкин бўлиб, унда, масофадан туриб радиоалоқа тармоғи орқали олинган маълумотлар асосида ХК ҳолатини мониторинг қилиш бўйича тадқиқот иши келтирилган. Шунингдек, Испаниянинг Las Palmas de Gran Canaria университетидан J. Perez-Mato, R. Perez-Jimenez, J. Tristancho томонидан амалга оширилган «Optical wireless interface of the ARINC 429 avionics bus: Design and implementation» мавзусидаги тадқиқот ишлари натижаларини келтириш ҳам мумкин бўлиб, унда бортдаги ARINC 429 интерфейси билан очиқ оптик алоқа тармоғини бирлаштириш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган.

Бундай тизимларни тадқиқ этиш, ишлаб чиқиш ва уларни серияли ишлаб чиқариш билан МДХ ҳудудида фақатгина «МОСТКОМ» МЧЖ (Россия) шуғулланмоқда.

Ўзбекистонда диссертация мавзусига энг яқин бўлган очиқ оптик алоқа тизими соҳасидаги тадқиқот ишлари проф. А.В.Каримов раҳбарлигидаги Тошкент физика-техника институтининг олимлари томонидан, Тошкент ахборот технологиялари университетидан эса академик Т.Д. Раджабов раҳбарлигида амалга оширилмоқда.

Мавжуд ишланмаларни таҳлил қилиш асносида шуни таъкидлаш мумкинки, ишлаб чиқилган тизимда ҳаво кемаси ва ерусти станциялари ўртасидаги маълумот алмашувини атмосфера-оптик алоқа тармоғида (АОАТ) амалга ошириш илк бор таклиф этилган бўлиб, бу эса Ўзбекистон Республикасининг электромагнит мувофиқлик Марказидан рухсат олишни талаб этмайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг ИТД-15-«Саноат, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги учун рақобатбардош, юқори самарали, илмий ва технологиялар экспортига

йўналтирилган назорат методлари ва эталон воситалари, приборлари, қурилмалар, машиналар яратиш» (2009-2011йй.), ИТД-17 «Ахборот ва телекоммуникацион технологиялар, кенг ривожлантириш, замонавий ахборот тизимлари билан таъминлаш, дастурли маҳсулотлар ва илмий –техник база интеллектуал воситаларини ўргатадиган ва бошқарадиган ишланмаларни кенг ривожлантириш» (2013-2015 йй.) мавзуларидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизимини ишлаб чиқиш ва уни оптик частоталар диапазонида синовдан ўтказиш, назорат тизимининг бортдаги ва ерусти қисмларини, шунингдек, шахсий компьютер учун мўлжалланган тизим ишини таъминловчи дастурий иловани ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳаво кемаси жиҳозлари таркиби, уларни назорат ва диагностика қилиш восита ва усулларини таҳлил қилиш;

ҳаво кемаси параметрларини масофадан назорат қилиш тизимини қўллаш самарадорлигини баҳолаш ва унга қўйиладиган талабларни шакллантириш;

ҳаво кемаси параметрларини масофадан назорат қилиш тизимини тадбиқ этиш учун симсиз ахборот узатиш турини танлаш;

ҳаво кемаси параметрларини масофадан назорат қилиш тизими учун техник ва энергетик қийматларни ҳисоблаш;

ҳаво кемаси параметрларини масофадан назорат қилиш тизимида ахборот ҳимояси усулларини ишлаб чиқиш;

ҳаво кемаси параметрларини масофадан назорат қилиш тизими элементларининг функционал ва принципиал схемаларини ишлаб чиқиш;

ҳаво кемаси параметрларини масофадан назорат қилиш тизими учун дастурий таъминотни ишлаб чиқиш ва ишга тушириш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ҳаво кемаси параметрларини масофадан назорат қилиш тизимлари, марказлашган назорат тизимларининг бортдаги мажмуалари, атмосфера оптик ахборот узатиш тармоқлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети атмосфера оптик алоқа тармоқларига асосланган ҳаво кемаси параметрларини масофадан назорат қилиш тизимларида ахборот алмашинуви ва маълумотларни кодлаш усуллари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида виртуал моделларни яратиш; математик таҳлил усули; эҳтимоллар назарияси; ахборот назарияси; иккилик мантиқ усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маълумот узатувчи симсиз оптик алоқа йўли ёрдамида ҳаво кема жиҳозларини масофадан диагностика қилиш усули яратилган;

оптик частоталар диапазонида ишловчи ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш қурилмалари тавсифларига қўйиладиган талаблар критерияси ишлаб чиқилган;

оптик частоталар диапазонида ишловчи ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизимининг энергетик ва техник тавсифларини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган;

ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб текшириш ва назорат қилиш тизими элементларининг математик модели, ишчи алгоритми ҳамда дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизимини қуриш учун қурилмаларнинг принципиал схемалари ишлаб чиқилган;

ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизимининг ерусти ва бортдаги модулларини боғлаш учун халақитбардош интерфейс ишлаб чиқилган;

ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизимини «Тошкент» аэропорти шароитида амалда қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишлаб чиқилган ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизими таркибий қисмлари турли иш шароитларида синов пайтида инфрақизил диапазондаги алоқа тармоқдан олинган маълумотлар билан тасдиқланган.

Маълумотларни текшириш ҳам математик ҳам табиий моделларда амалга оширилган бўлиб, бунда марказлашган назорат тизими имитатори сифатида AIRBUS компанияси томонидан маъқулланган AIB Avionics simulator дастури қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти радиодиапазонда ишловчи алоқани қўллаш чекланган аэропорт ҳудудидаги ҳаво кемаси ва ҳаракатланувчи бошқа объектлар параметрларини масофадан туриб назорат қилиш қурилмаларининг конструкторлик усуллари ва синтез қилиш алгоритмларини қўллаш орқали изоҳланади.

Иш натижаларининг амалий аҳамияти инфрақизил диапазондаги алоқа тармоғи асосида ишловчи ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизимини ишлаб чиқишни кўзда тутиб, ташкилий жараёнлар билан бир вақтда тизим диагностикасини амалга ошириш имконини берувчи мазкур тизимдан фойдаланиб транзит техник хизмат кўрсатишда юқори вақт унумдорлигига эришиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши Ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

қурилмаларнинг принципиал схемалари «Uzbekistan Airways technics» авиакорхонасида жорий қилинган («Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» МАКнинг 2019 йил 25 майдаги 2018-6204-сон маълумотномаси). Натижада, ҳаво кемаси кўнгач

ўтказиладиган ташкилий ишларга ҳалақит бермаган ҳолда борт тизимларини синовдан ўтказиш имконини берган;

ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизимининг бортдаги ва ерусти модулларини боғлаш учун ишлаб чиқилган ҳалақитбардош интерфейс «Uzbekistan Airways technics» авиакорхонасида жорий қилинган («Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» МАКнинг 2019 йил 25 майдаги 2018-6204-сон маълумотномаси). Натижада, эҳтиёт қисмларни келтирилишини кутиш вақтидаги ёрдамчи куч қурилмасининг ишлаш вақти қисқаргани ҳисобига ёқилғи тежамкорлигига эришилади, чунки таклиф этилаётган интерфейсни қўллаганда, ҳаво кемасини эҳтиёт қисмлар омбори яқинига қўйиш имконини берган;

ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизимини «Тошкент» аэропортида амалда қўллаш бўйича ишлаб чиқилган таклиф «Uzbekistan Airways technics» авиакорхонасида жорий қилинган («Ўзбекистон Ҳаво Йўллари» МАКнинг 2019 йил 25 майдаги 2018-6204-сон маълумотномаси). Натижада, «Тошкент» аэропорти ишлаб чиқилган тизимга ўхшаш хорижий воситаларни қўллаш учун сарфланадиган маблағ тежаб қолиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 10 та халқаро ва 3 та республика анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълонқилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шулардан-Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 та халқаро журналларида нашр этилган. Ҳамда ихтиро учун 1 та патент ва ЭҲМ учун мўлжалланган дастурни рўйхатга олинганлиги ҳақида 1 та гувоҳнома олинган.


Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациннинг мазмуни 117 саҳифада баён қилиниб, 48 суратни ўз ичига олади. Адабиётлар рўйхатида 101 та адабиёт келтирилган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва талабгирлиги асосланган, Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги изоҳланган, диссертация мавзуси бўйича илмий ишларнинг қисқача мазмуни, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объектлари, предметлари ва усуллари аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилик томонлари изоҳланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни тадбиқ этилиши бўйича маълумотлар ва апробация ишлари

келтирилган.

«**Ҳаво кемалари параметрлари диагностикаси методлари ва воситалари таҳлили**» номли биринчи бўлимда борт қурилмалари мажмуаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш имкониятлари унинг тузилишини таҳлил қилиш асосида баҳоланган. Энг кенг тарқалган ҲК қурилмалари мажмуаси бўлиб бортдаги ахборот ҳисоблаш тизимлари (АҲТ) ҳисобланади. ҲК тиимлари датчикларидан олинадиган ўлчанадиган маълумотлар асосида бошқарувчи сигналларни шакллантириш АҲТ функциясига киради. Бортдаги жиҳозлар модуллари ўртасида ахборот алмашиш учун ARINC 429 стандарт интерфейси қўлланилган. Фуқаро самолётлари АҲТ параметрларини масофадан туриб назорат қилишнинг мавжуд тизими марказлашган ички назорат тизими (МИНТ) ўрнатилган Airbus-320 ҳаво кемаси мисолида кўриб чиқилган. Airbus-320 самолётидаги МИНТ схемаси 1-расмда келтирилган.



1-расм. Марказлашган ички назорат тизимининг тузилиш схемаси

ҲК техник хизмат регламенти таҳлил қилинган. ҲК тизимларининг жорий параметрларини назорат қилишнинг энг истиқболли стратегиси аниқланган бўлиб, бу учун уларни узлуксиз назорат қилиш, ҳар бир парвоз сўнгида маълумотларни тезкорлик билан кўчириб олиш талаб этилади.

Ҳаво кемасига транзит хизмат кўрсатиш жараёни таҳлил қилинган. Синов орқали аниқланганки, ҲК қўниши ва уни техник ходимга топшириш ўртасидаги вақт 20-45 дақиқани талаб қилади. Бунда, эҳтиёт қимларни келтирилишини кутиш ва носозликни бартараф этиш учун сарфланадиган вақт эҳтимолий функциялар бўлиб, уларнинг ўзгариши рейсни ушланиб қолишига


олиб келиши мумкин. Кўрсатилаган муаммоларни бартараф қилиш учун симсиз алоқа тармоғига асосланган ХК параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизимини қўллаш таклиф этилган. Қуйидаги ҳаво кемалари параметрларини масофадан туриб назорат қилишнинг мавжуд тизимлари таҳлил қилинди:

-AiRTHM (Airbus Real-Time Health Monitoring) – Airbus компаниясининг ишланмаси,

-AIMS (Airplane Information Management System) –Boeing компаниясининг ишланмаси,

-AHEAD (Aircraft Health Analysis and Diagnosis) –Embraer компаниясининг ишланмаси.

Юқоридасаналган ХК параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизимлари УКВ радиостанциялар базасида қурилган, эксплуатация қилиш қиммат нархга тушади ва катта флотлар учун мўлжалланган. Кичик (30 та ҳаво кемаси бор) флотлар учун мазкур тизимларни қўллаш иқтисодий жиҳатдан самарасиз. Ўтказилган таҳлил натижасида симсиз оптика алоқа тармоғига асосланган ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизими таклиф этилаган (2-расм).



2-расм. Ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизими элементларининг жойлашуви;

Бортдаги қисм МИНТ маълумотларини оптик сигналга айлантиради ва ердаги қисмга узатади. Ердаги қисмда маълумот кўчма шахсий компьютер ёрдамида қайтаишланади.

«Ҳаво кемалари ҳолати параметрларини ўлчаш учун симсиз алоқа намунасини танлаш» номли иккинчи бўлимда замонавий симсиз алоқа воситаларининг таҳлили ва классификацияси амалга оширилган.

Ўта юқори частоталардаги сигналларни узатишга асосланган мавжуд симсиз технологияларни аэропорт ҳудудида қўллаш яроқсиз эканлиги

кўрсатилди. Бу уларнинг частоталари диапазони (2-80 ГГц) бортдаги метеонавигация радиолокаторлари ҳамда айрим ерусти локаторларининг частоталари диапазонида (10 ГГц) қисман ёпилиб қолиши билан изоҳланади.

Юқорида баён қилинган камчиликларни бартараф қилиш мақсадида ХК параметрларини масофадан туриб диагностика қилиш тизимлари учун алоқа канали сифатида инфрақизил диапазондаги атмосфера оптик тармоғини қўллаш таклиф этилган.

Ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизимини рўёбга чиқариш учун ахборот узатиш тармоғининг энергетик параметрлари ҳисоб-китоб қилинган ҳамда IrDA (Infrared data association) форматдаги ахборот алмашуви протоколи танланганлиги асослаб берилган. Ахборот узатишнинг ушбу формати мавжуд элементлар базасини қўллашни таъминлайди, электрман баага кичик талаб қўяди, шунингдек, қурилмаларни бир-бирлари билан юстировкасиз боғлаш имконини беради.

Оптик алоқа канали химояланганлигини баҳолаш амалга оширилган. Сигнал/шовқин q_0 ва сигнал частота чизиғи F нисбати каналнинг асосий ресурси эканлиги кўрсатилган. Шу сабабли ахборот каналининг химояланганлигини баҳолаш учун β ва γ коэффициентлари киритилган бўлиб, улар маълумотларни ёзиб олиш воситаларининг энергетик ва частотали самарадорлигини аниқлайди:

$$\beta = \frac{C}{q_0}; \gamma = \frac{C}{F}, \quad (1)$$

γ коэффициент ягона сигнал чизиғида маълумот узатиш тезлигини, β коэффициент бўлса -сигнал узатишнинг сигнал/шовқин q_0 коэффициентга нисбатан солиштирма тезлигини ифодалайди. (1) формулага асосан ахборот самарадорлиги аниқланади:


$$\eta = \frac{R}{C} = \frac{1}{\eta}, \quad (2)$$

$\beta(\gamma)$ диаграммалари маълумотларни ёзиб олувчи тизимлар ва маълумотларни ёзиб олиш мустасно бўлган тизимларни қайта ўзгартириш имконини беради.

Иккилик симметрик канални қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\gamma = \frac{1}{F} \cdot [1 + P \cdot \log P + (1 - P) \cdot \log(1 - P)], \beta = \frac{\gamma}{q_0}. \quad (3)$$

Чегаравий самарадорлик эгри чизиқлари β ва γ чегаравий қийматларига мос келувчи $\beta(\gamma)$ диаграмма нуқтасини аниқлаб, улар учун тутиб олиш тизимини амалда яратиш имконсиз деб маълумотни ушлаб олиш эҳтимоли истисноқилинади. ХК параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизимлари учун мазкур нуқталар бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ($\beta=-0,4$ дБ, $\gamma=0$) – қарама-қарши сигналлар учун, ($\beta=-3,4$ дБ, $\gamma=0$)– фаол танаффузли ортогонал сигналлар учун, ($\beta=-6,4$ дБ, $\gamma=0$)– сустр танаффузли ортогонал сигналлар учун. Нуқталаларнинг қийматлари 3-расмда тақдим этилган.



3-расм. β (γ) диаграммалари

Таклиф этилган ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизими қабул қилиб-узатгичи параметрларини ҳисоблаш учун асосий нисбатлар ажратиб олинган. Тизим рақамли бўлгани учун, узатиш сифати хатолар коэффиценти BER (bit error ratio) билан аниқланади. Алоқанинг атмосфера-оптик тармоғининг узатиш қобилиятини ҳисоблашда параметрнинг Q-омилни атамаси қўлланилиб, бу тизим сигнали сифатини аниқлайди. У сигнал амплитудаси ва фазасининг электр даражасини ўлчаш натижаларини статик қайта ишлаш ёрдамида ҳисобланади.

Мантиқий «1» ва «0» ҳолатларни гаусс қонунига кўра тақсимланишини тахмини қилиб, математик кутишлар E_1 ва E_0 аниқланади:

$$\begin{aligned}
 E_1 &= \begin{cases} P_L & \text{при } P_L \geq P_R \\ P_R & \text{при } P_L < P_R \end{cases}, \text{ мВт} \\
 E_0 &= P_{noise},
 \end{aligned}
 \tag{4}$$

σ_1 ва σ_0 ўртача квадрат оғишларни эса, «учта сигма» қоидаси – тенгта симланган ихтиёрий катталиқнинг барча қийматлар $(\bar{x} + 3\sigma) - (\bar{x} - 3\sigma)$ оралиқда ётишини қўллаб аниқлаш мумкин:


$$\sigma_1 = \frac{E_1 - P_{1min}}{3} \text{ мВт}$$

$$\sigma_0 = \begin{cases} \frac{E_0 + P_{0max}}{3} \text{ мВт} \\ \frac{E_0 - P_{0max}}{3} \text{ мВт.} \end{cases} \quad (5)$$

Q-омилни қуйидаги формула билан топамиз:

$$Q = \frac{|E_1 - E_0|}{\sigma_1 + \sigma_0}, \text{ мВт.} \quad (6)$$

Q-омилни қийматининг узатиш масофасига боғлиқлик графиги 4-расмда кўрсатилган.



4-расм. Q-омилнинг масофага боғлиқлиги

Сигналнинг Q-омилни функция жихатдан BER хатолар коэффициентига боғлиқ ва сигнал параметрларини ўлчаш натижаларини статик қайта ишлаш орқали аниқланади.

Q-омил ва BER қуйидагича боғланган:


$$BER = \frac{\exp\left(\frac{Q^2}{2}\right)}{\sqrt{2\pi}Q}. \quad (7)$$

«Ҳаво кемлари параметрлари назорати дастурий-аппарат воситаларини ишлаб чиқиш» номли учинчи бўлимда тизим элементлари характеристикасига қўйиладиган талаблар шакллантирилган.

IAP 05892 патентда изоҳланган таклиф этилаётган ХК параметрларини масофадан диагностика қилиш тизими 5-расмда келтирилган.

Тузилиш схемасидан кўриниб турибдики, ахборот узатиш оптик тармоғи модулининг бортдаги қабул қилиб-узатгичи ARINC 429 форматдаги сигнални оптик сигналга айлантириши учун «қўшалок ўзгартириш» тизимини қўллаш зарур. Бу шундай асосланганки, таклиф этилаётган тизим амалий реализацияси учун элементлар базасини танлашни оптималлаштириш мақсадида структура

схемасининг кўплаб модуллари сифатида тайёр маҳсулотлардан фойдаланилади.



5-расм. Таклиф этилаётган ХК параметрларини масофадан диагностика қилиш тизимининг функционал схемаси

Элементлардаги носозликлар ҳақидаги маълумотлар билан ўлчашлар амалга оширилган вақт тўғрисидаги маълумотларни қўлловчи алгоритм ишлаб чиқилган. Мазкур алгоритм, текширувларни қуйидаги шарт бажариладиган қилиб ўтказишни талаб қилади:

$$\sum_{n=1}^N T_{изм} \cdot P_n \rightarrow \min, \quad (8)$$

бунда, $T_{изм}$ – тизим блоки ҳолатини аниқлаш учун ўлчашлар ўтказиладиган вақт, P – мазкур блокнинг носозликсиз эҳтимолий ишлаш вақти.

Функциани оптималлаштириш назариясидан маълумки, агар итерация кетма-кетлигини қуриш учун қуйидаги кўринишдаги Фибонначчи сонлари қаторини қўлланилса қидирилаётган нуқтанинг қидирув стратегияси оптимал бўлади: $F_n = F_{n-1} + F_{n-2}$, яънигалдаги сон аввалги иккитасининг йиғиндисига тенг. Биринчи иккита сон 1 га тенг, сўнгра 2 (1+1), сўнгра 3 (1+2), 5 (2+3) ва ҳоказо: 1, 1, 2, 3, 5, 8, 13, 21....

Фибонначчи қаторининг иккита сонлари муносабати учун қуйидаги чегара ўрнатилган:

$$q = \lim_{n \rightarrow \infty} \frac{F_{n-1}}{F_n} = 0.618034. \quad (9)$$

Номалумлик интервалини нисбатга бўлиш олтин ўзак усули билан амалга оширилади. Олтин ўзак усули билан тенг эҳтимоллили ҳолат юзага келиши мумкин бўлган носозлик жойини аниқлашда зарурий ўлчашлар миқдори:

– носоз элемент доимо катта қисмда бўлади;

– носоз элемент доимо кичик қисмда бўлади.

Носозлик катта қисмда бўлган ҳолатда, илк ўлчашдан сўнг қолган элементлар сони $N_1=q \cdot n$, иккинчисидан сўнг $N_2=q^2 \cdot n$ ва ҳоказога тенг. m -инчи ўлчашдан сўнг $N_m=q^m \cdot n$, яъни уни қуйидагича ёзиш мумкин:

$$N_m = q^m \cdot n = 1 \rightarrow m_{max} = \log_q \left(\frac{1}{n} \right) \approx 1.44 \cdot \log_2 n. \quad (10)$$


Агар кам миқдордаги носоз элемент кичик қисмда бўлса у ҳолда $N_m=(1-q)^m \cdot n$, у ҳолда:

$$N_m = (1 - q)^m \cdot n = 1 \rightarrow m_{min} = \log_{1-q} \left(\frac{1}{n} \right) \approx 0.72 \cdot \log_2 n. \quad (11)$$

Ўлчашларнинг ўртача миқдорини аниқлаймиз. Тасаввур қиламиз, носозлик галма-галкатта ёки кичик қисмда бўлиши мумкин. Агар биринчи ўлчашдан сўнг $N_1=q \cdot n$ бўлса, у ҳолда иккинчи ўлчашдан сўнг $N_2=q \cdot (1-q) \cdot n$ бўлиши мумкин ва ҳоказо. Шу сабабли носозликни ҳар бир соҳада бўлиш эҳтимоллиги тенг миқдорда бўлиб, ўртача q га карали $m/2$ ва $(1-q)$ га карали $m/2$:

$$N_m = [q(1 - q)]^{m/2} \cdot n = 1 \rightarrow m = \log_{q(1-q)} \left(\frac{1}{n} \right) \approx 0.96 \cdot \log_2 n. \quad (12)$$

Графикда кетма-кет усулдаги тизим учун носоз блока яқинлашувчи носозлик жойини қидириш жараёни, шунингдек, дихотомия усули билан қидиришдаги яқинлаш иш графиги кўрсатилган (6-расм).



6-расм. Олтин ўзак усули билан қидиришда носозлик жойига яқинлашиш графиги


ARINC 429 форматдаги электр сигналларни оптик сигналга айлантириш жараёнини реализация қилиш учун икки поғонали модель таклиф этилмоқда: ARINC 429 форматини USB форматга ва USB маълумотлар форматини инфрақизил ахборотлар узатмасига айлантириш. ARINC 429 форматини USB форматига ўзгартирувчи сифатида ECE 0206 (Россия) ўзгартиричини қўллаш таклиф этилган.

USB форматни инфрақизил ахборот узатмасига айлантирувчи сифатида STIr 4200 контроллеридан фойдаланиш таклиф этилган.

Таклиф этилаётган тизим реализацияси учун алгоритмлар ишлаб чиқилган.

Драйвер сифатида SIGMATEL компанияси ишлаб чиқарган STIr 4200 контроллер билан бирга такдим этиладиган ва шахсий компьютерга ўрнатиладиган стандарт иловадан фойдаланиш тавсия қилинган.

ЦСВК носозликлари хотирасидан маълумотларни ўқиш режимида ишлаганида тизим фаолияти алгоритми 7-расмда келтирилган.




7-расм. ЦСВК носозликлари хотирасидан маълумотларни ўқиш режимида ишлаганида тизим фаолияти алгоритми

Диссертациянинг «**Ҳаво кемалари параметрлари масофавий назоратининг ишлаб чиқилган тизимини амалий қўллаш масалалари**» номли тўртинчи бўлимда ҳаво кемаси параметрларини масофадан назорат қилиш бўйича ишлаб чиқилган тизимни «Тошкент» аэропорти шароитида амалда қўллаш масалалари кўриб чиқилган.

Йўловчиларни чиқариш/тушириш бўйича кўплаб ишлар телескопик трап-«Рукав» орқали амалга оширилиши таҳлил натижасида маълум бўлди. Телескопик трап ҳаво кемасининг маълум жойига ўрнатилгани сабабли, тизимнинг ерусти қисмини «рукав»га ўрнатишда юстировка қилиш зарурати йўқолади. Шу сабабли ерусти станциясининг қабул қилиб-узатгичини телескопик трапга ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Параметрларни масофадан туриб назорат қилиш тизимининг ушбу варианти «Тошкент» аэропорти шароитидаги тизим элементларининг мавжуд имкониятларидан келиб чиққан ҳолда таклиф қилинган (8-расм.).

Ҳаво кемаси (1) йўловчиларни чиқариш/тушириш учун мўлжалланган «рукав»(2) яқинига ўрнатилган. Ахборот алмашуви атмосфера оптик алоқа тармоғи (3) бўйлаб, бири ҳаво кемасига бошқаси эса «рукав» кронштейнига ўрнатилган қабул қилиб-узатгичларнинг инфрақизил ойналари орқали амалга оширилади. «Рукав» кронштейнига ўрнатилган қабул қилиб-узатгичлар ердаги станцияга кабел (4) орқали уланган.



8-расм. Параметрларни масофадан туриб назорат қилишнинг таклиф этилаётган тизими элементларининг жойлашуви

Кабел сифатида оптик толали симдан фойдаланиш мумкин. Ишончли бўлиши учун ерусти станциясининг қабул қилиб-узатгичи «Рукав»нинг қуйи қисмига ўрнатилади. Таклиф этилган тизимнинг алоҳида хусусияти диффузияли ИК светодиодлари қўлланилганлиги боис оптик нурнинг катта кенгликда бўлиши ҳисобланиб, бу эса қабул қилиб-узатгични юстировка қилиш заруриятидан қутулиш имконини беради.

Ерусти станцияси қабул қилиб-узатгичининг ўрнатилиши бўйича батафсил схема 9-расмда кўрсатилган.




11-расм. Ерусти станциянинг қабул қилиб-узатгичи жойлашуви

Ерусти станциянинг қабул қилиб-узатгичи шаффоф бўлмаган қоплама ичида. Бу очик оптик алоқа каналига қуёш нурларининг тушишини олдини олиб, шу орқали тизимнинг халақитлардан химояланганлигини таъминлайди. Қоплама ўлчами инфрақизил нур ўлчамидан катта. Сутканинг қоронғу қисмида қопламани ечиш мумкин. Қабул қилгич каби, узаткич ҳам йўналганликнинг

кенг диаграммасига эга бўлиб, бу юстировка қилмаслик имконини беради. Нур ва атрофдаги предметлар ўртасидаги интерференция ҳодисасини олдини олиш учун ғилофнинг очик қисми ўлчами етарлича бўлиши зарур.

Сигнал ўтказгич йўловчи «рукав»ига қотирилгани сабабли тизмининг бортдаги қисмига тегишли инфрақизил филтрли ойнани (5) йўловчи эшиги остига ўрнатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ҳаво кемаси тўхтаб туриш жойига аниқ белги бўйича жойлаштирилганлиги сабабли, ерусти қисмининг қабул қилиб-узатгичи ғилофи бортдаги қисм билан қўшилган бўлиб қолади. Тизимнинг тузилиш схемаси 10-расмда акс этирилган.



10-расм. Масофадан туриб назорат қилиш тизимининг тузилиш схемаси

Шундан келиб чиқиб, тизим ерусти қисмининг қабул қилиб-узатгичи телескопик трапнинг пастки қимига ўрнатилади. Тизимнинг бортдаги қисмини монтаж қилишу чун А-320 ҳаво кемаси мисолида тавсия ишлаб чиқилган.

ХУЛОСА

Диссертация материаллари бўйича тизимли таҳлил, эҳтимоллар назарияси, оптик частоталар диапазонида ахборот узатиш назарияси усуллари асосида қуйидаги натижалар қўлга киритилди:

1. Замонавий ҳаво кемалари радиоэлектрон мажмуасининг таркиби, функционал имкониятлари ва стандарт интерфейси, шунингдек, унинг параметрларини назорат қилишнинг восита ва усуллари таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари параметрларни масофадан туриб назорат қилиш тизимини ҳаво кемасида қўллашнинг техник имкониятларини баҳолаш имконини берди.
2. Ҳаво кемасининг ташини кўздан кечириш ва носозликларга оид маълумотларни қайта ишлашни ўз ичига олувчи чизиқли хизмат кўрсатишга сарфланадиган вақт тақсимотининг математик модели ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган моделлар транзит хизмат кўрсатишни амалга ошириш учун ХҚ параметрларини масофадан туриб назорат қилиш

тизимини қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

3. Атсомфера оптик алоқа тармоғи ва классификация асосидаги IrDA интерфейси танлангани асосланиб, ХК параметрларини масофадан туриб назорат қилиш учун замонавий симсиз алоқа воситаларини қўллаш қиёсий таҳлил қилинди ва баҳоланди. Мазкур танлов натижалари параметрларни масофадан туриб назорат қилишнинг инфрақизил диапазондаги тизимини мавжуд элементлар базасида яратиш имконини беради.
4. Ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизимини тадбиқ этиш учун ахборот алмашувининг атмосфера тармоғи параметрларига оид техник ва энергетик ҳисоблаш услубияти ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган услубият ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш тизимини тадбиқ этиш учун инфрақизил диапазондаги қабул қилиб узатгичнинг энергетик қийматларини оптималлаштириш имконини беради.
5. Энергетик ва техник тавсифлар асосида масофадан назорат қилиш тизимининг математик модели ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган математик модел ёрдамида олинган маълумотлар таҳлили аэропортдаги турли об-ҳаво шароитида ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш учун тизимни қўллаш имконияти мавжуд эканлигини аниқлаш имконини беради.
6. Замонавий элементлар базасида ҳаво кемасини масофадан назорат қилиш тизими реализацияси учун қурилмаларнинг (бортдаги модуль ва ерусти станцияси) функционал ва принципиал схемалари ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган схемаларни тадбиқ этиш минимал иқтисодий харажатлар билан параметрларни масофадан туриб назорат қилиш тизимини қуриш имконини беради.
7. Иш алгоритми ва ҳаво кемаси параметрларини масофадан назорат қилиш тизимидан олинган ахборотларни таҳлил қилиш учун дастурий таъминот ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган алгоритмлар бортдаги модул орқали узатилган параметрларини назорат қилиш орқали ерусти модули ёрдамида ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилиш имконини беради.
8. Ҳаво кемаси параметрларини масофадан туриб назорат қилишнинг инфрақизил алоқа тармоғига асосланган тизимини «Тошкент» аэропорти шароитида қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган тавсия масофадан туриб назорат қилиш модулини аэропортда ўрнатилган қурилмалар билан интеграциялаш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.03.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ЗАКИРОВ РУСЛАН ГИЛЬМУЛЛАЕВИЧ

**СОЗДАНИЕ СИСТЕМЫ ДИСТАНЦИОННОГО КОНТРОЛЯ
ПАРАМЕТРОВ ВОЗДУШНОГО СУДНА**

05.03.01-Приборы. Методы измерения и контроля (технические науки)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент- 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.2.PhD/T200.

Докторская диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyounet» по адресу (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель:	Абдукаюмов Абдурашид доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Сиддиков Илхомжон Хакимович доктор технических наук, профессор Назаров Хайридин Нуритдинович кандидат технических наук, доцент
Ведущая организация:	Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта

Защита диссертации состоится «__» ____ 2020 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете по адресу: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871)227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный №_____). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская 2. Тел.: (99871) 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан «__» ____ 2019 г.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» ____ 2019 г.)

Н.Р. Юсупбеков

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

У.Ф. Мамиров

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
доктор философии (PhD) по техническим наукам

Х.З.Игамбердиев

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в настоящее время наиболее перспективным направлением развития технического обслуживания (ТО) авиационной техники является разработка систем дистанционного контроля параметров воздушного судна (ВС). Это вызвано постоянно повышающимися требованиями к обеспечению регулярности полетов и сокращению времени выполнения транзитного ТО. Также в последнее время наблюдается тенденция к переходу от выполнения периодического технического обслуживания к непрерывному мониторингу состояния ВС, что требует анализа информации после каждого рейса. В связи с этим возникает необходимость дистанционной передачи информации с бортовых регистрирующих устройств в наземные аналитические центры.

В мире ведутся научно-исследовательские работы по созданию средств и методов построения систем дистанционного контроля и диагностики параметров ВС, а также по разработке алгоритмов их функционирования и методов повышения защищенности и помехоустойчивости передачи информации в этих системах. В связи с этим важной задачей является проведение исследований и разработка предложений по созданию систем дистанционного контроля параметров ВС, применение которых технически возможно и экономически целесообразно на территории аэропорта.

В настоящее время в Республике Узбекистан уделяется большое внимание развитию транспортной инфраструктуры, важную роль в которой играет авиационный транспорт. В Стратегии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы обозначены задачи «..развитие транспортно-логистической инфраструктуры, повышение инвестиционной привлекательности для развития предпринимательства и иностранных инвесторов..»¹. В свою очередь, регулярность и своевременность выполнения рейсов из аэропортов Узбекистана является одной из основных характеристик авиационной логистической системы. В этом аспекте создание эффективных систем дистанционного контроля параметров ВС, разработка методов помехоустойчивой передачи информации в таких системах является весьма актуальной задачей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.» и постановлениями №ПП-1730 от 21 марта 2012 года «О мерах по дальнейшему внедрению и развитию современных информационно-коммуникационных технологий» и №ПП-3682 от

¹Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» УП-4947 от 7 февраля 2017 года

27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики IV-«Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. На основе анализа научно-технической информации по теме настоящей диссертации, в том числе приведенной в базе данных SCOPUS, можно выделить работу Smith M., Sulcs P., Walthall R., Mosher M., Kasprzyński G. «Design and implementation of aircraft system health management (ASHM) utilizing existing data feeds», где приводится исследование мониторинга состояния ВС на основе данных, полученных дистанционно при помощи радиолинии связи. Также можно привести исследование «Optical wireless interface of the ARINC 429 avionics bus: Design and implementation», выполненное J. Perez-Mato, R. Perez-Jimenez, J. Tristanchó в университете Las Palmas de Gran Canaria, Испания, где приводятся экспериментальные данные по исследованиям возможности совмещения бортового интерфейса ARINC 429 с открытой оптической линией связи.

Исследованиями и разработкой систем атмосферной оптической связи для широкого применения, а также их серийным производством на территории СНГ в настоящее время занимается ООО «МОСТКОМ» (Россия).

